


IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ


2020 йил январь-декабрь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 18 994,4 млрд. сўм микдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати 82,8 %ни ташкил қилди. Асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 5 841,9 млрд. сўми хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келди. Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида 6 399,9 минг сўмни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг деярли ярмидан кўп улуши, яни 54,4 фоизи вилоятнинг 5 та худуди ҳиссасига, жумладан, Олмалиқ шаҳар (15,8 %), Зангиота тумани (9,3 %), Оҳангарон шаҳар (8,0 %), Чирчик шаҳар (7,8 %), Қибрай тумани (6,8 %) ва Нурафшон шаҳар (6,7 %) ҳисобига тўғри келди.

**2020 йил январь-декабрь ойларида худудлар кесимида
асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (млрд. сўм)**




**2020 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида
асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръатлари (%)да)**



Айrim туманларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Жумладан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Бекобод туманида - 226,4 %, Бўка туманида - 173,0 %, Зангиота туманида - 118,6 %, Олмалиқ шаҳрида - 116,3 % ва Оҳангарон туманида - 110,6 % ўсиш кузатилди.

**2020 йил январь-декабрь ойларида худудлар кесимида
аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори
(минг сўмда, %да)**



■ Аҳоли жон бошига ■ Ўсиш суръати

Худудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар хажмининг юқори кўрсаткичлари Нурафшон шаҳрида 25 848,1 минг сўм, Олмалиқ шаҳрида 22 683,5 минг сўм, Оҳангарон шаҳрида 9 462,6 минг сўм, Чирчик шаҳрида 38 587,7 минг сўм ва Зангиота туманида 8 852,2 минг сўмни ташкил этди. Аксинча паст кўрсаткич Пискент туманида 1 791,3 минг сўм, Бекобод туманида 1 745,9 минг сўм ва Паркент туманида 1 220,8 минг сўмни ташкил этди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича
асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши**

	млрд. сўм	ўсии суръати, %	якунга нисбатан %
--	------------------	--------------------------------	----------------------------------

Асосий капиталга киритилган инвестициялар	18994,4	82,8	100
--	----------------	-------------	------------

шу жумладан:

Марказлашган инвестициялар:	3202,3	66,1	16,9
------------------------------------	---------------	-------------	-------------

бюджет маблағлари	1913,5	73,0	10,1
-------------------	--------	------	------

ЎзР Молия вазирлиги хузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси	195,8	37,6	1,0
---	-------	------	-----

тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	493,6	39,7	2,6
--	-------	------	-----

Хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	599,4	129,3	3,2
--	-------	-------	-----

Марказлашмаган инвестициялар	15792,1	87,3	83,1
-------------------------------------	----------------	-------------	-------------

корхоналарнинг ўз маблағлари	7246,9	99,7	38,2
------------------------------	--------	------	------

тижорат банк кредитлари ва бошқа ташкилотлар қарз маблағлари	1526,9	44,7	8,0
---	--------	------	-----

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	4539,8	104,5	23,9
--------------------------------------	--------	-------	------

бошқа қарз маблағлари	13,5	10,8	0,07
-----------------------	------	------	------

аҳоли маблағлари	1787,7	110,3	9,4
------------------	--------	-------	-----

шундан: кафолатланмаган хорижий кредитлар	677,3	65,6	3,6
--	-------	------	-----

2020 йил январь-декабрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра, энг юқори кўрсаткич (жами инвестицияларнинг 38,2 % и) корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига (7246,9 млрд. сўм) тўғри келди.

**2020 йил январь-декабрь ойлари учун асосий капиталга киритилган
инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари**



Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида 4539,8 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,5 фоизни ташкил қилди. Бунда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича юқори кўрсаткич Оҳангарон шаҳар (805,0 млрд. сўм) ва Оҳангарон туманига (512,4 млрд. сўм) тўғри келди. Аксинча, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича паст натижалар Паркент туманида (29,6 млрд. сўм), Олмалиқ шаҳрида (23,7 млрд. сўм) ва Пискент туманида (21,0 млрд. сўм) кузатилди.

**Асосий капиталга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция
ва кафолатланмаган кредитлар**

(млрд. сўм)

	Жами хорижий инвестиция ва кредитлар	шу жумладан:		Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция	шу жумладан:	Кафолат- ланмаган кредитлар
		Инвестиция	Кредит			
Вилоят бўйича	5841,9	4565,2	1276,7	4539,8	584,4	677,3
<i>шаҳарлар:</i>						
Нурафшон	364,4	338,6	25,8	338,6	-	
Олмалиқ	39,5	23,7	15,8	23,7	-	5,2
Ангрен	267,0	250,1	16,9	250,2	3,1	16,9
Бекобод	220,9	121,2	99,7	121,2	-	99,7
Оҳангарон	850,3	805,0	45,3	805,0	504,0	45,3
Чирчиқ	271,0	110,7	160,3	106,1	3,8	25,5
Янгийўл	79,9	67,3	12,6	67,2	-	
<i>туманлар:</i>						
Оққўрғон	500,3	487,0	13,3	487,0	-	12,9
Оҳангарон	562,5	519,0	43,5	512,4	-	43,6
Бекобод	181,6	130,7	50,9	130,7	-	42,7
Бўстонлиқ	155,5	105,3	50,2	105,2	5,3	
Бўка	160,4	160,3	0,1	160,3	-	
Қуиичирчик	168,6	167,9	0,7	164,9	-	
Зангиота	412,6	140,3	272,3	140,3	-	75,4
Юқоричирчқ	194,8	124,1	70,7	124,1	-	70,5
Қибрай	312,6	165,3	147,3	154,0	19,6	
Паркент	70,2	29,6	40,6	29,6	-	39,3
Пискент	55,5	21,0	34,5	21,0	-	33,4
Ўртачирчик	251,4	250,5	0,9	250,4	-	
Чиноз	244,5	198,7	45,8	198,7	-	44,6
Янгийўл	226,9	225,0	1,9	224,9	48,7	
Тошкент	251,5	124,2	127,3	124,2	-	122,5

**2020 йил январь-декабрь ойларида асосий капиталга киритилган
инвестицияларнинг технологик таркиби**

	Жами млрд. сўм	фоизда	Давлат	фоизда	Нодавлат	фоизда
Жами, млрд. сўм	18994,4	100	6264,2	33,0	12730,2	67,0
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан %да</i>						
қурилиш-монтаж ишлари	9313	49,1	2427,3	12,8	6885,7	36,3
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	8763,7	46,1	3427,4	18,0	5336,3	28,1
бошқа ҳаражатлар	917,7	4,8	409,5	2,2	508,2	2,6

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг 2020 йил январь-декабрь ойларида қурилиш-монтаж ишлари, йўналтирилган улуши 49,1 фоизни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан юқори улушга эга бўлди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича
асосий капиталга киритилган инвестициялар
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)**

(млрд. сўм)

	январь-декабрь			
	2019 й.	Умумий ҳажмга нисбатан %да	2020 й.	Умумий ҳажмга нисбатан %да
Жами:	20353,9	100	18994,4	100
<i>шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	1 299,4	6,6	1 212,6	6,4

	январь-декабрь			
	2019 й.	Умумий ҳажсмага нисбатан %да	2020 й.	Умумий ҳажсмага нисбатан %да
тоғ-кон саноати	99,4	0,7	92,7	0,5
қайта ишлиш саноати	5 382,3	28,4	5 022,8	26,4
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1 131,9	6,6	1 056,3	5,6
сув билан таъминланиш, канализация, чиқиндиларни йигиш ва йўқ қилиш	540,8	3,7	504,6	2,7
қурилиш	965,9	6,7	901,4	4,7
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	708,2	4,5	660,9	3,5
ташиш ва сақлаш	1 033,7	5,8	964,6	5,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	86,0	0,8	80,2	0,4
алоқа ва ахборотлаштириш	61,3	0,6	57,2	0,3
молия ва суғурта фаолияти	400,9	2,6	374,1	2,0
кўчмас мулк билан боғлиқ ишлар	11,3	0,3	10,5	0,1
малакавий, илмий ва техниковий фаолият	437,1	2,3	407,9	2,1
маъмурий ва қўшимча хизматлар	382,2	2,0	356,7	1,9
давлат бошқаруви ва мудофааси; мажбурий ижтимоий таъминот	289,0	1,8	269,7	1,4
таълим	287,7	1,7	268,5	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиши	1 171,0	6,0	1 092,8	5,8
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	427,4	2,5	398,9	2,1
уй-жой қурилиши	1 837,1	9,4	1 714,4	9,0
бошқа фаолият турлари	3 801,4	7,0	3 547,5	18,6

**Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий
фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш саноатида - 5022,8 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмида 26,4 %) ташкил этди. Тоғ-кон саноатида - 92,7 млрд. сўм (0,5 %), уй-жой курилишида - 1714,4 млрд. сўм (9,0 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида - 1212,6 млрд. сўм (6,4 %), давлат бошқаруви ва мудофааси мажбурий ижтимоий таъминотида - 269,7 млрд. сўм (1,4 %), санъат, кўнгил очиш ва дам олишда - 398,4 млрд. сўм (2,1 %), ташиш ва сақлашда - 964,6 млрд. сўм (5,1 %), сув билан таъминланиш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилишда - 504,6 млрд. сўм (2,7 %), малакавий, илмий ва техниковий фаолиятда - 407,9 млрд. сўм (2,1 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишида - 1092,8 млрд. сўм (5,8 %), таълимда - 268,5 млрд. сўм (1,4 %) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 80,2 млрд. сўм (0,4 %) инвестициялар ўзлаштирилди.


Ижтимоий соҳа объектларини қурилиши

2020 йил январь-декабрь ойларида умумий майдони 1134,3 минг кв.м бўлган 4609 та уй-жой, шундан қишлоқ жойларида 934,1 минг кв.м бўлган 3586 та уй-жой фойдаланишга топширилди.


Қурилиш фаолияти. 2020 йил январь-декабрь ойларида 6930,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,2 %ни ташкил этди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 6782,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 97,9 %ни (2019 йил январь-декабрь ойига нисбатан ўсиш суръати 106,5 %ни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти (умумий ҳажсма га нисбатан % ҳисобида)



Курилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати
(2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан, %да)



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Қибрай (117,8 %) ва Зангиота (110,8 %) туманларида кузатилди. Аксинча, энг паст кўрсаткич Янгийўл (100,2 %) ва Чирчиқ шаҳарларига (100,1 %) тўғри келди.